

UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
BIRLASHGAN YULI  
INV. №

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2003 йил, 4 декабрь, пайшанба № 146 (1878).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 4 декабря, 2003 г. № 146 (1878).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## Ватан мукофоти—Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи

Хоразм кўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланади. «Авесто» қадар қадимий юрт. Утмиши бой, келажаги мунаввар. Дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Намиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган табарруқ замин.

Мамлакатимиз мустақиллиги кўҳна Хоразм тарихида янги — буюк юксалиш

даврини бошлаб берди. Истиқлолнинг илк йилларида ноқ миллат гурурини уйғотиш, унинг бой меросини, улуг алломаларини, асрий анъаналарини дунёга машҳур этишга бел боғлаган Юртбошимиз қадим Хоразм маданиятига ўзгача меҳр билан қарайди. Утган йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги халқро миқёсда нишонланди. Аниқса, Жалолиддин Мангубердидек

миллатнинг ҳақиқий ўғлонига, юрт фидойисига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлиқ мақмуаларининг бунёд этилиши ҳам буюк аждодларга юксак эҳтиром рамзидир.

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бундан минг йил муқаддам

(Давоми 7-бетда).

## Андижон аҳлининг ташаббускорлиги, азму шижоати ва жасоратини халқимиз юксак қадрлайди

Истиқлол, Ҳурлик, Озодлик! Бу муштарак муқаддас тушунчалар маъно-моҳиятини чуқур англаб етган халқимиз ўзининг беқиёс куч-қудрати ва салоҳиятини намойиш этиш имконига эгаллигини қалбақ ҳис этиб яшамоқда. Бутун дунё ўзбекка, Ўзбекистонга қараб ҳайратланаётир. Қисқа муддатда Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг мардонавор меҳнати эвазига бунёдга келган ривожланишнинг «Ўзбек

моделли» халқро миқёсда эътироф этилаётти. Мамлакатимиз иқтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ҳамда ҳукумати-миз томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотларни ҳаётга жорий этилишида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос урни бор. Андижон ҳақида гап кетганда, вилоятнинг меҳнаткаш халқи эришяётган улкан ютуқларни тилга олмақ жоиздир.

(Давоми 7-бетда).

## Президент Ислам Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги Н У Т Қ И

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Мухтарам юртдошлар! Авваламбор, мен бугун қадимий ва бетакрор Хоразм заминига қадам қўйиб, сиз азиз юртдошларим билан йўлдош бўлиб, сизларнинг очил чехрангизга боқиб, барчангизни бардам, яхши кайфиятларингизни кўриб, хурсанд бўлганимни билдирмоқчиман.

Ва сиз азизларга, сиз орқали бутун Хоразм аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Барчангизга маълум: истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Хоразм вилояти ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаятгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Барчангизни, бутун Хоразм элини ана шу мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги воқеанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденининг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида тегар маъно бор.

Мен бу юксак мукофотни авваламбор минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва Намиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса

қўшиб келаятган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида қабул қилинишини истардим.

Албатта, бундай юксак мукофот фақат бир йиллик натижалар учун эмас, балки минг-минглаб одамларнинг кўп йиллар давомида юртин обод қилиш, эл фаровонлигини ошириш йўлидаги фидокорона меҳнати учун берилишини, уйлайманки, барчангиз яхши тушунасиз.

Шу нуқтан назардан қараганда, Хоразм вилояти кейинги йилларда ҳавас қилса арзийдиган марраларни қўлга киритмоқда.

Саноат соҳасини оладиган бўлсак, бундай ютуқларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларда, янги-янги соҳалар ва корхоналар пайдо бўлишида — вилоятда шакардан тортиб, мева шарбатигача, экспортбоп ип калавадан тортиб замонавий кийим-кечакларгача, машҳур Хива гиламларидан тортиб экскаваторгача, бир сўз билан айтганда, ички ва ташқи бозоримизда харидорлар бўлган турли маҳсулотлар тайёрланаётганида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда воҳада 27 та қўшма корхона ишлаб тургани, вилоят иқтисодиётига 161 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция киритилгани, биргина 2003 йилда 4 та янги қўшма корхона ташкил этилгани ҳам иқтисодий ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Узимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобидан мамлакатимизга кўпроқ валюта маблағларни олиб келиш борасида ҳам вилоятда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, етиштирилган пахта ҳосилининг 15 фоизи шу ернинг ўзиде қайта ишланмоқда.

Мана шу залда утирган мутахассис ва раҳбарлар яхши билади, илгари, собиқ шўро даврида бу кўрсаткич 3 фоздан ошмас эди.

Кўриб турганингиздек, қисқа вақт ичида биз бу борада катта ютуққа эришдик, ле-

кин фақат шу билан чекланиш бизга тўғри келмайди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида яна бир замонавий тўқимачилик фабрикаси — «Бурсел—Вогот текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори бу соҳада келажакни ўйлаб, изчил иш олиб бораётганимиздан далолат беради.

Бўлгуси корхона йилига 5 минг 770 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Энг асосийси, ана шу маҳсулотнинг 80 фоизи чет элга экспорт қилинади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, 2004 йилнинг охирига бориб вилоятдаги пахта толасининг 30 фоизидан ортигини шу ернинг ўзиде қайта ишлашни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, кейинги йилларда рўй берган объектив қийинчиликларга қарамадан, вилоят меҳнаткашлари галла ва шол, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича шартнома режаларини мунтазам бажариб келаятганини эътироф этишимиз лозим.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятининг энг өгир муаммоларидан бири — бу коммуникация масаласи экани сизларга яхши маълум. Бу ўта муҳим масалани ечиш мақсадида шу кунларда Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё устига замонавий кўприк қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Лойиҳа қиймати 25 миллиард 556 миллион сўмга тенг бўлган, нафақат Хоразм, балки бутун мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бу улкан иншоот ишга тушгач, бир вақтнинг ўзиде Амударё узра поезд ҳамда автомобиль қатнови йўлга қўйилади.

Бу эса, ўз навбатида, вилоятни иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг ўзини яқин қилиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда Хива туманидаги «Ўзбекистон»

(Давоми 2-бетда).

## ● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

—Оддий аскар Шокир Каримов Утган ўқув йилида барча сафдошларига намуна бўлди, — дейди секция командири сержант Шухрат Сапарбоев. — Янги ўқув йилининг дастлабки машғулотлари да ҳам у сафдошлари орасида устунлигини намойиш этмоқда.

Асли бухоролик бўлган посбон йигит касбий маҳоратини янада ошириб, Қуролли Кучларимизнинг қўтлуғ 12 йиллик байрамини хизматда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга қатъий аҳд қилган.



Александр МРУЧАК суратга олган.

## ● ВЕСТИ ИЗ ГАРНИЗОНОВ ПРОЯВИЛИ АКТИВНОСТЬ

В подразделении, где служит старший лейтенант Сокиб Каримов, как и во всех войсковых частях Министерства обороны, несколько дней назад начался новый учебный год. Прошли первые занятия по различным воинским дисциплинам, в частности по общественно-политической подготовке.

Здесь большую активность проявили младший сержант по контракту Рахим Худайбердыев, а среди молодых воинов — рядовой Зафар Тураев, призванный из Андижанской области.

Эти и другие воины данного подразделения на новый период обучения взяли высо-

кие обязательства — по всем предметам получать высокие оценки. Тем самым повышать индивидуальное боевое мастерство. А это значит — внести весомый вклад в боевую учебу подразделения в целом.

— Мы очень благодарны командирам, опытным сослуживцам, что они помогают нам в скорейшем становлении, — говорит рядовой Зафар Тураев. — Да и сами приложим максимум старания, чтобы быстрее встать в боевой строй.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара», (По телефону).

# Президент Ислам Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалололдин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Н У Т Қ И

ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов, илғор фермерлар Гулмат Хайитметов, Машариф Қаландаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Болтабой Сапаев, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби, элентрайвандчи Юсуфбой Урозов, уста шонкор Қурбоний Узоқбоева, моҳир тикувчи Анабиби Собирова каби юзлаб заҳматкаш инсонларнинг хизматини барчамиз юксак қадрлаймиз.

Вилоятда бошқа соҳалар бўйича ҳам ўсиш-ўзгарниш, янгилашни жараёнлари изчил давом этмоқда. Замонавий корхоналар, янги турар-жойлар, равон йўللар ва кўприклар, мактаб, лицей ва коллежлар, шифохоналар, улуғ аждодларимиз номидан кўприклар, гузал меҳмонхоналар барпо этилмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ҳаётга муносибати, онги ва тафаккури ўзгармоқда. Бунинг ҳеч ким инкор этолмайди.

Қадрли ватандошлар! Юртимиздаги барча ўзгаришлар марказида инсон ва унинг манфаатлари тургани, ислохотлар ислохот учун эмас, авваламбор, инсон учун деган қараш бизнинг асосий мақсадимиз экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу маънода, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Бу ҳақда гапирганда, узоққа бормай, мана шу Урганч шаҳрида ҳам яқин-яқин-гача тоза ичимлик суви масаласи оғир муаммо бўлиб келганини эслаш kifойа.

Биз бу масала устида вилоят ва тегишли республика ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга бош қотириб, зарур маблағ ва имконият топиб, Туямуён сув омборидан 148 километрлик сув тармоғини тортиб келганимиз, чет эллик ҳамкорлар иштирокида 36 километрлик янги сув тармоғини қурганимиз ана шу муаммони ечишда катта надам бўлди.

Шулар қаторида Питнак шаҳрида сув тозалаш иншооти ва Каларас сув омборида юқори қувватли насос станцияси ишга туширилганини, Германиядан олинган кредит ҳисобидан вилоятдаги 6 та қишлоқдаги жаҳон талаблари асосида сув таъминоти йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай ижобий фикрларни аҳолини табиий газ билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам айтиш мумкин. Сўнгги пайтда 600 километрдан зиёд газ тармоғи барпо этилгани, вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 90 фонздан ошгани катта ютуқ, албатта.

Соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, бу ерда 106 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётгани, кейинги йилларда болалар шифохонаси, шешинч тиббий ёрдам маркази ва онкология касалхонаси, Хива ва Ҳазораспдаги туғруқхоналар, Урганч ва Қўшқўлир юқумли касалликлар шифохонаси каби тиббиёт масанлари тубдан қайта таъмирланганини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, Урганч шаҳридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия марказида юртини тўхтатмасдан операция қилишдек мураккаб жараёнлар ҳам амалга оширилаётгани эътиборга молиқ.

Энг муҳими, бундай шифохоналар ҳар қандай ка-

саллиқни ҳам тўғри аниқлаб берадиган замонавий диагностика усулалари билан таъминланмоқда.

Ҳолбуки, яқин-яқингача беморлар бу масалада қийналиб, қанча вақтини йўқотиб, ортиқча маблағ сарфлаб, Тошкентга бориб келганини сизлар яхши биласиз.

Хоразм вилояти бу соҳада яна шундай жиждий натижаларга эришиб, айтиш мумкинки, шу минтақада ўзига хос тиббиёт марказига айланиб бормоқда.

Бугун биз одамлар дарадига дармон бўлишдек савобли ишга катта ҳисса қўшиб келаётган тажрибали жарроҳлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Қаландар Бобононов, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Шонкор Хўжаев, олий тоифали ҳамшира Гулчехра Раҳмонова, маҳалла шифокори, «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Турди Магназарова, болалар уйи ҳамшираси Невва Ким каби кўплаб медицина ходимларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Муҳтарам дўстлар! Бутун мамлакатимиз сизгари Хоразм воҳасида ҳам ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ва табиийки, бунда ўз ҳаётини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган жонқуяр устоз-мураббийларимизнинг хизматлари беқиёс.

Ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 536 та мактабда 29 мингдан зиёд ўқитувчи қарийб 350 минг ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда.

Кейинги йилларда 20 та янги мактаб барпо этилгани, 168 та мактаб эса тубдан таъмирланиб, қайта жиҳозлангани таълим соҳасида салмоқли ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Бу ислохотларнинг муҳим бир йўналиши бўлган касб-хунар таълимига жиждий аҳамият берилаётгани туфайли охириги йилларда 35 та касб-хунар коллежи барпо этилиб, уларнинг умумий сони 56 тага етди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юрталарида қарийб 11 минг хоразмлик йигит-қиз таълим олаётгани, вилоятда 600 га яқин профессор-ўқитувчи, жумладан, 26 та фан доктори ва 166 та фан номзоди ёшларга сабоқ бераётгани ҳам Хоразмнинг илмий-маърифий салоҳияти юксак эканини кўрсатади.

Юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари ва кўрик-танловлар, спорт беллашуварларида воҳа фарзандлари ўзининг чуқур билими, истеъдоди ва маҳоратини намойён этиб, ҳаммаша юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Урганч давлат университетининг талабалари, Президент стипендияси соҳиблари Насиба Собирова ва Исоқжон Исмоилов, Зулфия мукофоти совриндорлари Муътабар Рўзметова ва Муножот Абдуллаева сизгари воҳанинг эртанги истиқболлини белгилаб берадиган юзлаб ёшлар билан бутун вилоят аҳли фахрланади.

Ана шундай истеъдодли ўғил-қизларни тарбиялаб, камолга етказётган хоразмлик устоз-мураббийлардан 25 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», яна 24 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган шарафли унвонга, кўплаб муаллимлар эса Ватанимизнинг ордени ва медал-

ларига сазовор бўлгани кўнопарли, албатта.

Шундай жонқуяр юртдошларимиз қаторида Хива туманидаги 20-меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак, Ўзбекистон халқ ўқитувчилари Раҳмон Саъдуллаев ва Мунаввара Раҳмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари Тангриберган Поллонов ва Олим Қувоқов, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Тафқил Латипов, «Шўхрат» медали соҳибаси Шакар Аминова каби устоз-мураббийларга, вилоятдаги барча маориф ходимларига ташаккур айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаш, муҳтожларга берағаз ва беминат ёрдам бериш, меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш каби халқимизга хос азалий фазилатларини давом эттириб, ўз ҳисобидан замонавий мактаблар, касалхона ва гузарлар, спорт майдончалари барпо этишдек хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган барча инсонларга бугун самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Шулар қаторида Гурлан туманидан Эриммат ва Ериммат Солиқовларга, Қўшқўлир туманидан Нураддин Нуриллаев, Шовот туманидан Бозорбой Оқмонов каби кўплаб тадбиркор ва ишбилармонларга умрингиздан беракка топинг, кам бўлманг, деймиз.

Хурматли юртдошлар! Кейинги йилларда биз барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Хоразм воҳасида ҳам қадимий меросимиз, замонлар синовидан ўтиб келаётган миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга, бойитишга катта эътибор бермоқдамиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқаро миқёсда кенг ишонланган буюк маънавий обидамиз — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хиваниннг 2500 йиллиги, Жалололдин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантаналарни эслаб ўтиш ўрнили, деб ўйлайман.

Айниқса, ўрта асрларда Шарқ оламнинг йирик илм-фан маркази сифатида эътироф этилган Хоразм Маъмуни академиясини қайтадан тиклаб, уни замонавий асосда ташкил этганимиз маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга бир хушхабарни етказмоқчиман. Хоразм Маъмуни академиясининг миллий ва умумбашарий цивилизация тараққиётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инobatта олиб, биз унинг минг йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида тегишли халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб бордик.

Ва ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида ЮНЕСКО ташкилоти Бош конференциясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 32-сессиясида Маъмуни академиясининг минг йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биз яқинда бу масала юзасидан ўзимизнинг ҳам ҳукумат қароримизни қабул қилиб, насиб этса, 2005 йилда ушбу санани сизларнинг иштирокингизда катта байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

Азиз дўстлар! Хоразм замани қадим-қадимдан кураги ерга тегмаган мард ва баҳодир паҳло-

вонлар юрти сифатида маълум ва машҳурдир.

Кейинги пайтда вилоятда оммавий спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга айниқса катта эътибор берилмоқда.

Бу борада қисқа муддатда жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган Олимпия захиралари коллежи қуриб ишга туширилгани, 15 минг томошабинга мўлжалланган «Хоразм» спорт мажмуаси халқаро андозалар асосида тубдан қайта қурилгани, вилоятдаги мавжуд спорт залларининг барчаси таъмирдан чиқарилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ана шундай замонавий спорт инфратузилмасига эга бўлгани учун ҳам мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бу йил Хоразм вилоятида юксак савияда ўтказилганига ҳаммамиз тубан бўлдик.

Фарзандларимизнинг келажак ва камолотини ўйлаб қилаётган бундай ишларимиз ўз ижобий самарасини беради, албатта.

Самбо ва оғир атлетика бўйича Оснб чемпионлари Алишер Пуллошев ва Улуғбек Маъмурдов, бокс бўйича жаҳон биринчилиги совриндорлари Алишер Матиниёзов ва Отабек Бобононов, кураш ва дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлари Рус-Там Юсуфов ва Тамара Югай каби ўнлаб спортчи ёшларнинг қўлга киритаётган юксак натижалари бу ҳақиқатни исботлаб турибди.

Муҳтарам юртдошлар! Агар мендан, Хоразм аҳли аввало қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, «Гурури билан» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг гурури баланд. Мен гурури баланд деганда гердайнини эмас, балки, ўз юрти, ўз туپроғи билан фахрланишни тушунаман.

Гурури баланд деганда мен бу замин одамларининг, агарки тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алишмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг хоки ётган шу юрт шон-шўхрати-га ўз ҳиссамини қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман.

Эҳтимол, вилоят аҳлининг пел табиатидан беҳабар бўлган одам, ахир, бу ер Швейцария ёки Греция бўлмаса, бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу жойларни булар нега бунчалик жон-дилидан севади, нега бунча улуғлайди, деб ҳайрон қолиши мумкин.

Аслида, одамзотнинг она бағрида дунёга келиши қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидан Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам ана шундай илоҳий мўъжизадир. Ва кимда-ким шу мўъжизани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, Хоразмга келиб, бу замин одамларининг ҳаётига, меҳнатига назар солсин.

Кўнглимдаги бир гапни сизларга очиб айтсам, мен Хоразм элини мана шундай олижаноб фазилатлари учун севаман ва ҳурмат қиламан.

Ўз ҳаёт тажрибамда кўрганман бу халқ агар сени қабул қилса, бағрини, қалбини кенг очади, хурсандчилик кунларида ҳам оғир синов пайтларида ҳам тоғдек елкадош бўлиб ёнингда туради. Энг муҳими, мардлик ва вафодорлик хусусиятларига ҳеч қачон хиёнат қилмайди.

Хоразм аҳлининг ўз юртига бўлган муҳаббат ва

садоқатини шу заминнинг улуғ шонлари Феруз ва Огахий, Мунис ва Хоразмий қандай юксак пардаларда тараннум этганини барчангиз яхши биласиз.

Айниқса, буюк шонир ва аълиб Паҳлавон Маъмурдиннинг «Мен учун Рум атласидан Хоразмнинг бир парча намати минг бора афзал» деган сатрлари, барча хоразмликларнинг қалбини ифода қилади, десам, янглишмаган бўламан.

Шу фикрларни умумлаштириб, мужассам қилиб айтсак, ҳаётга мана шундай қараш, мана шундай фалсафа билан яшайдиган халқ билан бирга бўлиш, унинг ишонч ва ҳурматини қозонишдан ортиқроқ бахт борми, айтишлар, азиз дўстлар?

Албатта, мен яхши тушунаман, бугун Хоразм аҳли бошдан кечираётган етишмовчилик ва қийинчиликларга барҳам бериш, авваламбор, экологик муаммоларни ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Мен сизларни қийнаб келаётган муаммоларни доимо ўзимнинг елкамдаги оғир юк, деб биламан. Шу боис ҳаммаша Хоразмнинг дарду ташвишлари билан, уларни бартараф этиш фикри билан яшайман.

Шунинг учун ҳам сизлар эришган ютуқларнинг лоақал бир қисмида менинг ҳам озгина ҳиссам бўлса, бундан қувонаман, уни худдики ўзимнинг ютуғим, деб ҳисоблайман.

Бу йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан, Хоразм учун нақадар оғир келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундан қандайдир ўзининг юрган хоразмлик деҳқонларини бағримга босиб, айтмоқчиман: азизларим, қадрдонларим, хижолат бўлманг, ҳаёт бир йил билан янун топмайди.

Мен ишонаман, мана шундай ориятли халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин. Пок ниёт билан қилган машаққатли меҳнатимиз ўз ҳосилини беражак, иншооллоҳ.

Ишончим комилки, шу кунларга эришиш учун бир ёқадан бош чиқариб, бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишимиз кераклигини мана шу залда ўтирганлар ҳам, мени эшитаётган барча одамлар ҳам яхши тушунадилар ва шу даъватимни қўллаб-қувватлайди.

Шу борада ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, янги мавсумга пухта тайёргарлик кўришимиз, бунинг учун зарур ишларни уюшқоқлик билан бажаришимиз, аввало, ерни экишга тайёрлаш, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, энг муҳими, одамларнинг руҳини кўтариш — бизнинг ҳозирги кундаги долзарб вазифамиз, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикримга қўшилсангиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, бугунги унутилмас, тарихий воқеа нафақат Хоразм эли, балки бутун Ўзбекистон аҳлини эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида ғайрат-шижоат ва қатъият билан меҳнат қилишга даъват этади, халқимизнинг кучига куч, эртанги кунга бўлган ишончига ишонч қўшади.

Мен сизларни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хо-надонларингизга файзу барана тилайман.

Қадим Хоразм замани дунё турғунча турсин, Хоразм эли ҳеч қачон кам бўлмасин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлиши Маъмур академияси Хоразм заминда ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Уйлайманки, биз Маъмур академиясини Хоразм заминда қайтадан ташкил этсак, кўп улуг иш бўлур эди», деган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрыда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бугун ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби илмий бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, турли соҳалардаги янгиланишлар вилоят халқ хўжалиги тизимини тубдан ўзгартирди. Одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарди. Улар ўз келажак ва юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Юртбошимиз хоразмлик деҳқонларнинг ҳар бир кунини жасоратга мензagan эди. Дарҳақиқат, мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётган вилоят деҳқонлари эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Улар бу йил ҳам галла, пахта етиштиришда улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз та-

## Ватан мукофоти—Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи

рихида илк бор шолдан энг юқори ҳосил олинди. Бунда хоразмлик миришкорларнинг натта ҳиссаси бор.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутди. 6 минг 170 фермер хўжалиги меҳнати билан вилоятда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамжи ортиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ўз самарасини кўрсатяпти. Болалар спортини ривожлантиришга натта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ Хоразм вилояти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини топириш учун 2 декабрь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган таънавали маросимни Хоразм вилояти ҳо-

ними, Ўзбекистон Қаҳрамони И. Бобоқонов очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз Хоразм элининг улуг аجدодларга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётганини, мураккаб табиий шароитда ўз матонатини намойиш этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётганини алоҳида таъкидлади. Буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этаётган, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаётган Хоразм аҳлининг фидокорона меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотини Хоразм вилояти ҳокимига топширди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийси Пўлдош Хожиев, Зулфия мукофоти лауреати Милоҳат Рўзметова, «Хоразм—Нуртоп» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси раҳбари Пўлат

Сафаров ва Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак вилоятнинг Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган бутун воҳа элини беҳад қувонтирганини таъкидлаб, бундай юксак эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Хива шаҳридаги «Хива—Карпет» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси бориб кўрди. Корхона маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорини топган. Германия, Франция, Швейцариядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 700 га яқин йилит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона бир йилда 2,4 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Корхона цехларини айланиб, замонавий тўқув дастгоҳлари, гилам тўқиб жараёни билан танишган Юртбошимиз гиламларнинг замонавий, миллий шакл ва услубдаги янги нусхаларини яратиб, бунга ёш мусавирларни кенг жалб этиш лозимлигини уқдирди.

Президент Ислom Каримов Урганч шаҳридаги ҳарбий крислардан бирида бўлиб, аскарлар билан суҳбатлади. Уларнинг яшаш шароити, ҳарбий жанговарлик тайёргарлиги билан қизиқди.

Шу йилнинг май ойида Хоразм вилоятида «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтганди. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари тўлиқ қайта таъмирланган «Хоразм» спорт мажмуида ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари спорт мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди.

Урганч олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи «Умид ниҳоллари» республика ўйинларининг очилиш арафасида иш бошлаган эди. Салкам бир йил ичида беш минг томошбинга мўлжалланган замонавий стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, бокс ва кураш заллари, теннис кортлари, бадий гимнастика маркази бунёд этилди. Бу ерда спортнинг 20 тури билан шугулланиш имконияти мавжуд.

Бадий гимнастика марказида бўлган давлатимиз раҳбари гимнастикачи қизларнинг кўرғазмали чиқишларини томоша қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,  
Темур ШАМАКОВ,  
ЎзА махсус мухбирлари.

## Андижон аҳлининг ташаббускорлиги, азмушижоати ва жасоратини халқимиз юксак қадрлайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислom Каримов таъбири билан айтганда, андижонликлар бир ишга бел боғласа, астойдил, бутун борлиги билан иришади, кўзлаган ниятига эришмагунча тиним билмайди.

Дарҳақиқат, сўзи билан иши бир, доимо изланиб яшайдиган, ташаббускор андижонликлар истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигининг барча соҳасида ўзига хос мактаб яратди. Вилоят деҳқонлари ер, сув, техника ва ўғитдан фойдаланиш, уруғчиликни яхшилашга жиддий эътибори туфайли пахта, галла етиштиришда улкан ютуқларга эришмоқда. Ғўзани плёнка остида парваришлай усулига Юртбошимиз «Андижон технологияси» дея таъриф берган эди. Айни пайтда Андижонда галла уруғчилиги мактаби шаклланди. Вилоятда истиқлол йилларида галла ҳосилдорлиги уч барбарга ортиб, гектарига етмиш центнердан ошириб хирмон кўтарилмоқда.

Андижон нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноати ҳам жадал ривожланаётган вилоятдир. Ўзбек автомобилсозлиги шу вилоятда туғилди. Бугун ўзбекининг «Нексиа», «Матиз», «Дамас», «Ласетти», «Тико»си жаҳон автомобиль бозорига ўз ўрни ва мавқеига эга.

Сўнгги йилларда вилоятда барпо этилган янги тураржойлар, маънавий хизмат, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, оилавий поликлиника, қишлоқ врачлиги пунктлари ва истироҳат боғлари шаҳару қишлоқларга кўрк бериб турибди. Яна бир қувончли жиҳати — спортда ҳам «Андижон мактаби» шаклланди. Боксчилар — Муҳаммадқодир Абдуллаев, Уткирбек Ҳайдаров ва Руслан Чагаев бутун Ўзбекистоннинг ифтихорига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Фармонига биноан юртимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиети ва салоҳиятини юксалтириш, барча тармоқ-

ларда ислохотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик кўрсатаётгани, иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, миллий кадрларнинг асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан ишларини эътиборга олиб, Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотланган эди.

Шу йил 3 декабрь куни Андижон вилояти ҳокимлигида ана шу юксак мукофотни топиришга бағишланган таънавали йиғилиш бўлди.

Уни вилоят ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Қ. Обидов очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари вилоят аҳли эришаётган улкан ютуқларни, хусусан, автомобилсозлик, вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган хориж инвестицияси, пахта ва галлачиликда қўлга киритилаётган тажрибаларини амалиётга янада кенгроқ жорий этиш масалаларига атофлича тўхтади. Амир Темур ордени Андижон аҳлининг фидойилиги, омилдорлиги ва танглигига берилган муносиб баҳодир, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Ватанимизнинг юксак мукофотини Андижон вилояти ҳокимига топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Балиқчи туманидаги «Намуна» ширнат хўжалиги раиси А. Хожиев, қурилиш материаллари комбинати раҳбари А. Қозлов, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Х. Жўраева бундай юксак эътибори учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни Президентимиз Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицейида бўлиб, у ерда ўқувчиларнинг билим олиши учун яратилган шароит билан танишди.

Норали ОЧИЛОВ,  
Саид ШУҚУРОВ,  
ЎзА махсус мухбирлари.

## Япония рақамли телевидениега ўта бошлади

2003 йилнинг 1 декабри Япония оммавий ахборот воситалари тарихида янги босқични бошлаб берди. Айни кундан бошлаб Кунчиңар мамлакат телевидениеси тасвирини рақамли эфирга узатишни йўлга қўйди.

Рақамли телевидение ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. Рангли тасвир ҳамда товушнинг ўта аниқлиги, Интернетга уланиш, товар харид қилиш учун савдо дўконларига буюртма бериш, шунингдек, интерфаол дастурларда иштирок этиш рақамли телевидениенинг кенг имкониятлари сирасига кирилади.

Ҳозирча фақат Токио, Нагоя ва Осакада телекўрсатувлар ушбу тизимга ўтмоқда. Бу ҳудудда истиқомат

қилувчи икки миллион киши истаган пайтда рақамли телевидение хизматидан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун рақамли телевизор керак, холос. Япония хонадонларининг бутунги кунда рақамли телевизорсиз тасаввур қилиш мушкул. Бундай телевизор йўқлар эса тўққинчи рақамга айлантириб берадиган махсус мосламага эга бўлиши лозим.


Янги тизимда илк бор тажриба сифатида синаб кўрилатган телевидение кўрсатувлари кейинчалик бутун мамлакат ҳудудида йўлга қўйилади. Янги тизимга ўтиш жараёни 2006 йилнинг охиригача давом этади. 2011 йилнинг июль ойида бошлаб эса мамлакат расман рақамли телевидение-



дан фойдаланишни бошлайдди.

Япония ҳукумати ва ишбилармон доиралар рақамли телевидениенинг бой имкониятларига натта умид боғламоқда. У миллий иқтисодиётни мустақамлашчи омиллардан бирига айланиши мумкин. Соҳа вакилларининг ҳисоб-китобларига кўра, рақамли телевидениега ўтиш учун қирқ триллион йена (38 миллиард АҚШ долларига тенг) маблағ сарф этилади.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,  
ЎзА шарҳловчиси.



Среднюю Азию и вообще восточную архитектуру нельзя представить себе без куполов. Действительно,

## ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ ЧТО?..

нигде в мире не встретишь больше куполов, чем здесь. Возможно, секрет этого феномена связан с небесным куполом.

Онаывается, купол выполняет роль естественного кондиционера при сухом климате. Поэтому крыши медресе, мечетей, памятников, дворцов и даже бань имели куполообразную форму.

Под такой крышей прохладно даже в жару. В этом можно убедиться, побывав на одном из бывших древних

рынков, сохранившихся в хивинском Ичан Кала.



В одном из залов бухарского музея Ситораи Мохи Хоса есть удивительное зеркало размером в человеческий рост. Тайна его заключается в том, что каждый, кто смотрит в это зеркало, видит одновременно 40 отражений. До сих пор технология создания этого зеркала остается тайной.

## КУЯ ЗАРАМИ, Е...

Англиянинг Брэдфорд шаҳрида дунёда ягона бўлган куя етиштирувчи ферма бор. Одамларга, зарар етказадиган бу митти капалак нима учун керак бўлиб қолди? Бу фер-

манинг хизматидан бутун Буюк Британиянинг тўқимачилик фабрикалари фойдаланиб келади. Улар ўзларининг жундан тўқилган матолари намунасини худди шу ерга жўнатадилар.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 2 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бух-

галтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)  
1 АҚШ доллари 977,63

1 ЕВРО 1175,31  
\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ● КУПЮ

● Дороже всех! Нагр. знаки, старинные монеты, изделия из серебра. Т.: 67-48-18.





● БОКС

**КУВОНЧБЕК ИШОНЧИ ОҚЛАДИ**

Яқинда энг ёш ўзбекистонлик профессионал боксчи Руслан Чагаев ўта оғир вазнда навбатдаги рейтинг жангини ўтказган эди. Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Юниверсум» спорт мажмуида ўтказилган жангда Р. Чагаев бразилиялик Даниэль Франки иккинчи раундда ёқ нокаутга учратиб, галаба қозонди.

Куни кеча яна бир ўзбекистонлик профессионал боксчи Кувончбек Тойгонбоев ҳам навбатдаги жангини ўтказди. Россияда Андрей Пестряев билан 10 раунд давом этган беллашувда ҳамюртимиз очколар ҳисобида галабага эришди.

**Зоҳир ТОШҚУЖАЕВ,**  
ЎзА мухбири.

● СУЗИШ

**БАЛЛИ, РАВИЛИ**

Жанубий Кореянинг Дей-жон шаҳрида сузиш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқич беллашувлари ўтказилди. Ушбу мусобақада ҳамюртимиз Равил Начаев юртимиз шарафини муносиб

ҳимоя қилди. У 100 метр масофага баттерфляй усулида сузиш баҳсида маррага учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медалига сазовор бўлди.

(ЎзА).

● ФУТБОЛ

**ЕШ ПАХТАКОРЧИЛАР ЧЕМПИОН!**

Тошкентда мамлакатимиз футбол клубларининг тайёрлов гуруҳлари ўртасидаги биринчилик ақуллади. Унда 1987—1988 йилларда тугилган ёш футболчилардан иборат саникиз жамоа икки гуруҳга бўлиниб беллашди.

«А» гуруҳидан жой олган жамоалар орасида «Нефтчи» ва «Чагонийн»ни ортда қолдирган Тошкентнинг икки вакили — «Пахтакор» ва «Трактор» ярим финалга йўлланма олди.

«Б» гуруҳида пойтахтнинг яна бир вакили — «Локомотив» ишончли ўйин кўрсатиб, барча учрашувда галаба қозонди. Ушбу гуруҳда «Локомотив» билан бирга «Насаф» футболчилари финалга чиқиш учун куч синашадиган бўлди.

«Пахтакор» жамоаси ярим финалда «Насаф» би-

лан куч синашди. Уйини 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан ақуллади. Пенальти реџини борасида ёш пахтакорчилар рақибга имониёт қолдирмади — 4:2. Иккинчи ярим финалда ҳам учрашув голиби пенальтилар сериясида аниқланди. Асосий вақтда 1:1 ҳисобида кучлар тенг келгач, «Локомотив» ҳамда «Трактор» футболчилари 11 метрлик беллидан тўп тепини бўйича беллашди. Унда омад «Локомотив» тарбияланувчилари томонида бўлди — 2:1.

Финалда «Локомотив» футболчилари пахтакорчиларга жиддий қаршилик кўрсатди. Бироқ омад рақиб футболчилар томонида бўлди. «Пахтакор»чилар 1:0 ҳисобида зафар қучиб, мусобақа голибига айланди.

**Зоҳир ТОШҚУЖАЕВ,**  
ЎзА шарҳловчиси.

● ТЕЛЕАНОНС

**«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»**

14 декабри в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат қиламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

Этот выпуск посвящен начавшемуся в частях и подразделениях Министерства обороны новому учебному году. В передаче авторы покажут репортажи о том, как воины-узбекистанцы в военных округах и различных гарнизонах подготовились к первым занятиям в зимнем периоде обучения. Вы увидите репортаж о войнах-пограничниках. Также в этой передаче традиционно прозвучат и актуальные темы в постоянных рубриках.


Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 16 декабря, в 16.55.

Наш корр.

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ № 143**

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Осколок. 4. Стадйон. 8. Шум. 10. Лара. 11. Абак. 12. Эскалатор. 15. Табуи. 18. Выток. 19. Делегат. 20. Год. 21. Ева. 23. Анфас. 24. Велюр. 25. Дом. 26. Боа. 28. Скворец. 30. Тайна. 31. Ханжа. 37. Икнозавр. 39. Табу. 40. Кани. 41. Нар. 42. Ресторан. 43. Огласка.  
**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Область. 2. Кара. 3. Обыск. 5. Табор. 6. Изба. 7. Наколка. 8. Шрам. 9. Мрак. 13. Фундамент. 14. Циферблат. 16. Чеканка. 17. Галерея. 20. Гнд. 22. Ара. 27. Стартер. 29. Шалайда. 32. Ухват. 33. Гими. 34. Узор. 35. Овраг. 36. Сбыт. 38. Марс.

**КРОССВОРД**



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 5. Основной Закон. 8. Иносказательный рассказ с правдоучением. 9. Высшее подразделение в систематике животных и растений. 11. Массовое собрание людей. 12. Дети (разг.). 13. Москва, Токио, Ташкент. 14. Флаг... (стик.). 18. Административно-территориальная единица. 19. Столица Афганистана. 21. Общепризнанный идейный, политический руководитель. 23. Водоплавающая птица. 25. Отборные, лучшие войска. 27. Выборный представитель, уполномоченный государством. 29. «Да здравствует... душевное...» (стих.). 31. Один из символов государства. 33. Выборный орган верховной и местной власти в Монголии. 34. Возглас. 35. Совокупность признаков. 36. Упрек, порицание. 38. Легкий хмельной напиток из проса, гречихи, ячменя. 39. Агент, посылаемый с секретным политическим поручением. 40. Запрет.  
**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. На Руси—наследственное зем-

Составила З. ИСАКОВА.

**АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ**

**ОВЕН.** Следует заниматься только теми делами, которые давно требуют продолжения. Больше внимания уделите семье и благоустройству дома. Необходимо соблюдать осторожность и быть весьма внимательным в любом деле. Пятница — удачный день для всех видов интеллектуальной деятельности, работы с корреспонденцией и работы на компьютере.  
**ТЕЛЕЦ.** С великими достижениями в профессиональной сфере придется немного подождать. Придется заняться делами родственников. Не спешите прятаться и громко протестовать. В делах возможны задержки из-за проблем со связью и транспортом. Придется взять на себя ответственность в совместных делах и планах.  
**БЛИЗНЕЦЫ.** Придется рассчитывать только на свои силы и умение быстро менять планы. Вокруг вашей персоны могут закрутиться интриги, и в какой-то степени вы сами будете в этом виноваты. Считайтесь с интересами деловых партнеров, не ставьте свои амбиции во главу угла.  
**РАК.** Вы можете организовать окружающих на перспективное общее дело, однако без вашего личного участия все грозит рассу-

паться, так что только организатором вам быть не удастся. Не упустите шанс наладить отношения с близкими людьми. Во всем ищите повод для радости, не допускайте негативных эмоций.  
**ЛЕВ.** Благоприятная работа по индивидуальному плану. Проторенные пути не подойдут. Постарайтесь не допустить проявления эгоизма по отношению к коллегам по работе и близким людям. Старайтесь быть внимательнее, придерживайтесь четкого плана действий. В спокойной обстановке можно решить бытовые проблемы, которые так долго откладывались.  
**ДЕВА.** Не взваливайте на свои плечи избыточное количество работы, и тем более — не беритесь за новую работу. Благоприятное время для того, чтобы добиться задуманного и осуществить свои мечты. В первой половине недели могут побеспокоить незначительные последствия прошлых проблем, можете на них не реагировать, о них найдется кому позаботиться. Протривопоказано проявление гнева.  
**ВЕСЫ.** Необходимо сохранять внутреннее спокойствие и сконцентрироваться на самой важной задаче, только так можно выиг-

рвать в непростых ситуациях, которые ожидают. Возможна задержка запланированной поездки. Следует быть внимательным к своему окружению — за вашей спиной могут разыгрываться нешуточные страсти. Остерегайтесь принимать категоричные решения, будьте ответственны и осторожны.  
**СКОРПИОН.** Полноценный отдых явно не светит. Старайтесь держать свои дела под неослабным контролем. Новые приятные обстоятельства войдут в жизнь, что позволит стать оптимистом. Многие дела решатся без особых усилий. Эмоции будут бить через край, старайтесь не допустить грубости.  
**СТРЕЛЕЦ.** Поберегите силы, предоставьте окружающим возможность самим решить проблемы. Возможны изменения планов у деловых партнеров в благоприятную для вас сторону. Приостановившиеся проекты начнут постепенно развиваться. В делах будет сопутствовать успех, усилия принесут результаты. Возможны конфликты на бытовой почве.  
**КОЗЕРОГ.** Необходимо проявить инициативу и смелость, в ближайшем будущем ждет большая выгода. В реализации идей

потребуется поддержка коллег по работе, друзей и близких людей. Во второй половине недели дел будет по-прежнему много, потребуются лишь желание работать и терпение.  
**ВОДОЛЕИ.** Постарайтесь разгрузить себя от лишних и чужих дел. Неожиданные проблемы могут затормозить вас, утомить и практически довести до стресса. Не опускайте рук — все получится. Особенно актуально будет перспективное планирование. Стоит бросить силы на решение старых проблем. В выходные дни старайтесь во всем соблюдать меру, иначе желание как следует отдохнуть после тяжелой недели может навредить.  
**РЫБЫ.** Неделя в целом будет спокойной и благополучной. Окружающие будут поддерживать, друзья составят компанию в делах, только делайте что-нибудь. Особенно важно не быть пассивным: если на диване, вы ничего не добьетесь, в то время как активность принесет настоящий успех. Погружение в работу станет отличным рецептом от плохого настроения не только для вас, но также и для тех, кого сможете уговорить к вам присоединиться.

Бош муҳаррир  
полковник  
**И. Қ. АБДУКАРИМОВ**

Газета выходит по вторникам, четвергам, субботам.  
**КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:**  
Отдел подписки — 56-03-46.  
Информация, реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.  
Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,  
УЛ. Д. ҚУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.  
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.  
Reg. № 00050.  
Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».